

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ БОҒЛИҚЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ОМИЛИ ВА АҲАМИЯТИ

И. Гафаров,

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
таянч докторантни*

У. Хасанов,

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
Халқаро муносабатлар кафедраси мудири, сиёсий
фанлар номзоди, доцент*

Кириши

Бугунги дунёда кўпгина давлатлар халқаро тизимнинг барқарорлаштирувчи механизмларининг қадрсизланишини ҳисобга олиб, биринчи навбатда ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда прагматик сиёсат олиб боришга мойилдирлар. Бундай манфаатларни реал ва объектив идрок этиш, уларни тарих, география, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва воқелик билан боғлаш масалалари буғунги кунда долзарбди.

Муваффақиятли ташки ва ички сиёсатнинг биринчи шарти - бу миллий ривожланиш мақсадларини прагматик шакллантириш ва амалга ошириш имконини берадиган дунёдаги ва минтақадаги ўз ўрнини конструктив тушунишdir. Бу Марказий Осиё халқлари учун ҳам тўғри келади. Минтақавий иштирокчилар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва сиёсий ишончни ошириш уларга жаҳон сиёсатида янада мустақил ва барқарор минтақага айланиш имконини беради.

Минтақадаги ва бутун дунёда тез ўзгариб бораётган вазият минтақавий ва миллий ривожланиш кун тартибини ўз ичига олади. Минтақавий иштирокчиларнинг ташки сиёсатдаги саъй-харакатларининг асосий мақсади халқаро майдондаги ролини кучайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик муҳити ва яхши қўшничиликни яратишдан иборат.

Янги Ўзбекистон – янги ташқи сиёсат.

Марказий Осиёда янги муносабатлар тизимининг шаклланиши моҳиятан минтаقا давлатларининг миллий манфаатларини янги воқеликларга айлантиришга олиб келади. Уларнинг амалий мослашуви ва ёндашувларнинг мумкин бўлган консолидациясига фақат икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг жамоавий ҳаракатлари орқали эришиш мумкин. Ўзбекистоннинг Қозогистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон муносабатларининг янги босқичи туфайли Марказий Осиёда яқин минтақавий ҳамкорлик ўз ифодасини топмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳокимиятига келиши давлат тарихида янги саҳифа бўлди. Бугун мамлакатимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойили асосида жадал ривожланмоқда. Президент 2035 йилга бориб дунёning ТОП-50 та илгор давлати қаторига кириши керак бўлган Янги Ўзбекистон қурилишини эълон қилди. Бу йўлда давлат сиёсати, иқтисодиётни либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари, таълим, тиббиёт ва ташқи сиёсат соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакат нуфузини мустаҳкамлаб, бутун минтақага янги ишонч тақдим этди.

Қисқа вақт ичида минтақанинг барча давлатлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишга муваффақ бўлган Ш.Мирзиёев сиёсатининг муҳим бўгини ташқи сиёсатdir. Бугун Марказий Осиёнинг бешта давлати: Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ўртасида ҳар қачонгидан ҳам яқин дўстона муносабатлар мавжуд. Маслаҳат учрашувлари биринчи марта ташқи томонлар иштирокисиз давлатлар томонидан ташкил этилди. Бу минтақадаги ишончни мустаҳкамлади. Минтақадаги ижобий импулслар хорижда ҳам ўз самарасини берди. Бунинг самарасида хорижий сармоялар оқими кўпайиб, хорижий давлатлар билан кўшма инфратузилмалар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

TRADE TURNOVER OF UZBEKISTAN WITH CENTRAL ASIAN STATES



Манба: E.Tulyakov, F.Khakimov. Friendly cooperation with Central Asian states – A priority direction of Uzbekistan's foreign policy. Development Strategy Center.

Бугунги кунда Марказий Осиё халқаро муносабатлардаги глобал жараёнларнинг муҳим қисмига айланди. АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон, Япония, Корея Республикаси, Туркия ва бошқалар каби жаҳон ва минтақавий давлатлар Марказий Осиёни, хусусан, Ўзбекистонни ўзларининг ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий лойиҳаларининг ажralmas қисми деб биладилар. Марказий Осиё мамлакатлари Россия билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ўзаро боғланган ва уларнинг савдо айланмаси анча юқори. Қўшма Штатлар ҳозирда минтақа билан “С5+1” формати доирасида алоқада бўлиб, Марказий Осиё мамлакатларида янги ишончли иқтисодий ва стратегик ҳамкорларни кўрмоқда. “Бир макон, бир йўл” улкан лойиҳасини бутун дунёга тарғиб қилаётган Хитой ҳам минтақани жаҳон сиёсатининг ажralmas қисми деб билади. Шунингдек, минтақанинг ва Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкори Ҳиндистон бўлиб, у жаҳон аҳамиятига эга янги куч ҳисобланади.

Дунёning етакчи давлатлари билан яхши алоқаларга эга бўлишига қарамай, Марказий Осиёда жаҳоннинг глобал лойиҳаларини

ривожлантириш ва иштирок этишда қатор муаммолар мавжуд. Бу география муаммоси. Минтақанинг океанларга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти йўқлиги сабабли давлатлар қўшни давлатлар худуди орқали ўтишга мажбур. Double land lock ҳисобланган Ўзбекистон икки давлатдан ўтиши керак. Шу боис, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари жаҳон океанига чиқиш учун барча турдаги логистика лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда. Бунда тарихий характерга эга бўлган Марказий-Жанубий Осиё формати энг маъқул танловлардан биридир.

Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини боғлайдиган Термиз-Мозори-Шариф-Кобул-Пешовар темир йўли¹ қурилишидан манфаатдор, чунки бу йўналиш Марказий Осиё мамлакатлари учун океанга энг қисқа ҳисобланади. Шу билан бирга, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" лойиҳасига муқобил бўлган INSTC (Халқаро Шимолий жанубий транспорт коридори) ва Чабаҳор форматини ишлаб чиқишида иштирок этмоқда. Трансафғон йўлагида Покистоннинг роли ошса, Чабаҳор портидан биргаликда фойдаланиш форматида Эроннинг роли ошади. Таниқли ҳинд сиёсатшуноси доктор Анвар Алам фикрича: "Ҳиндистон учун Эрон бу Марказий Осиёга дарвозадир". Бундан келиб чиқадики, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой Трансафғон йўлагини ривожлантиришга кўпроқ мойил, чунки у Марказий Осиё мамлакатлари учун иқтисодий жиҳатдан қулай ва Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" лойиҳасининг бир қисмидир. Ўз навбатида, Эрон ва Ҳиндистон Чобаҳор портини ривожлантиришга кўпроқ мойил². Воқеаларнинг бундай ривожланиши Марказий Осиё маконида геосиёсий дилеммани янада кучайтиради.

Маълумки, XIX асрнинг буюк геосиёсий ўйинлари туфайли Ҳиндистон Эвросиё билан алоқани йўқотди, аммо сўнгги геосиёсий ўзгаришлар, Ҳиндистоннинг ШХТга қўшилиши ва ЁИИ билан музокаралар, унинг қитъадаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларга интилишини кучайтирди. Россия, Эрон ва Ҳиндистонни иқтисодий ва энергетика соҳаларида бирлаштирадиган INSTC ташабbusи Ҳиндистоннинг ушбу

¹ Poonam Mann. Strengthening of India- Uzbekistan relations. CAPS in Focus, №35/18. 2018. – 2-3р.

² Tuychiyeva R. Transit problems in connectivity between India and Uzbekistan: unrealized opportunities and prospects. American journal of social and humanitarian research. Vol. 1, No.2, Apr-May 2020. 73-75р.

йўналишдаги ташқи манфаатларини амалга ошириш учун платформадир. Лойиҳа 2000 йилда таклиф қилинган бўлиб, у Мумбай, Чобаҳор, Бандар Аббос, Боку ва Москва каби шаҳарларнинг логистик интеграциясини амалга оширади.

Ҳиндистон ва Эрон ўртасида Чобаҳор портини ривожлантириш тўғрисидаги битим 2003 йилда имзоланган. Ушбу портнинг ривожланиши Ҳиндистонга Покистонни четлаб ўтиб, Марказий Осиё билан боғлашга ёрдам беради. Ўз навбатида, бу лойиҳа Хитойнинг улкан "Бир макон, бир йўл" лойиҳасига ўзига хос муқобилдир. Бундан ташқари, Хитой Покистон билан биргаликда СРЕС (Хитой-Покистон иқтисодий коридори) лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Бунда Чобаҳордан 80 километр узоқликда жойлашган Покистоннинг Гвадар порти муҳим рол ўйнайди. Бу Ҳиндистоннинг хавотирини кучайтирмоқда, чунки ушбу икки лойиҳанинг амалга оширилиши Ҳиндистоннинг ҳаётий манфаатлари жамланган Ҳинд океанида Хитой таъсирининг кучайишига олиб келмоқда³. Айтиш жоизки, Россия ҳам Хитой лойиҳасида, ҳам Ҳиндистон лойиҳасида фаол иштирок этмоқда. Марказий Осиё мамлакатларига келсак, улар океанларга чиқишининг барча вариантларини кўриб чиқмоқдалар, аммо Афғонистондаги вазият туфайли Трансафғон коридори лойиҳаси амалга ошишининг кечикиши ва INSTC лойиҳасининг асосий иштирокчилари Россия ва Эрон санксиялар остида бўлганлиги, Марказий Осиё давлатларининг режаларини мураккаблаштируммоқда.

Трансафғон йўлаги.

Ўсишнинг асосий таркибий қисмлари сифатида Марказий Осиёда минтақавий ривожланишнинг тубдан янги тенденциялари кучаймокда ва сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Янги муҳит Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни сезиларли даражада қучайтирди. Шундай қилиб, 2017 йилда Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлиш ҳажми 3 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Остонадаги саммитида таъкидлаганидек, яқин

³ Kashif Hasan Khan and Halil Koch. Emerging Central Asia: Managing great power relations. Blue Dome Press. 2021. - 171-189p.

йилларда ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 5 миллиард долларга етиши кутилмоқда⁴.

2016 йил сентябрдан 2021 йил июлгача бўлган даврда минтақада умумий чегараларни делимитация ва демаркация қилиш бўйича музокаралар жадал ва узлюксиз тус олди, қўшни давлатлар раҳбарларининг келишувлари натижасида чегараларни, жумладан, мураккаб ва анча баҳсли худудларни белгилашда муросага эришилди⁵.

Марказий Осиё давлатларининг мустаҳкам келажаги ва барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан қўшни Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга тўлақонли қўшилиши билан боғлиқ. Афғон омилини ҳисобга олмасдан туриб, умумий минтақавий кун тартибини белгилаш мумкин эмас. Ҳозирги Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Бундан ташқари, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг бирлашишида Ҳиндистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги муҳим босқичдир. Маълумки, бу икки минтақа тарихий ва маданий умумийликка эга⁶ Бироқ, XIX-асрга келиб, Британия ва Россия империяларининг мустамлакачилик сиёсати туфайли минтақалар ўртасидаги мулоқот тўхтади. Афғонистон муайян даврда буфер зонаси ролини ўйнади, кейин эса яқин вақтгача беқарорлик жойига айланди. Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши минтақалар ўртасидаги тарихий ўзаро боғлиқликни тикламади. Марказий Осиё давлатлари Афғонистонга қўрқув билан қарай бошладилар, аммо улар бефарқлик намоён этмадилар, аксинча, тинчлик йўлида саъй-ҳаракатларни амалга оширилар.

2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг Қўшма Штатлар “Ал-Қоида”

⁴ Мавланов И. Трансформация экономической дипломатии Узбекистана для реализации внешнеэкономических приоритетов Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. Международные отношения. 2018, N 1. (<https://www.uwed.uz/ru/e-journal/13>)

⁵ Несматов И. Ускорение завершения правового оформления Государственной границы со странами Центральной Азии как важный приоритет внешней политики Узбекистана. Международные отношения. 2018, N 1. (<https://www.uwed.uz/ru/e-journal/13>)

⁶ Мирзиёев Ш. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международной конференции «Центральная и Южная Азия: региональная взаимосвязанность. Вызовы и возможности». 16.07.2021 (<https://president.uz/ru/lists/view/4484>)

террорчилик ташкилотининг бутун дунё бўйлаб тармоғига барҳам бериш учун Афғонистонга кирди. Йигирма йил давомида америкаликлар демократик давлат қуришга ҳаракат қилиб, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг ўзаро боғлиқлигини тиклаш бўйича ўз лойиҳаларини таклиф қилишди. Айтиш жоизки, улар бу борада анчагина саъӣ-ҳаракатларни амалга оширган. Бироқ, вақт Америка ресурслари ва кучлари чексиз эмаслигини қўрсатди. 2020 йил 29 февралда Республикачи Президент Доналд Трамп ўн тўрт ой ичида Афғонистондан Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги битимни имзолади. Америка Қўшма Штатларининг навбатдаги Президенти Жо Байден бу ваъдани бажарди ва 2021 йил 31 августда у барча қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетди⁷. Натижада, Толибон яна ҳокимият тепасига келди. Айни вақтда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суро бошлагандек кўринмоқда. Воқеаларнинг бундай ривожи Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини четда қолдирмади. Афғонистон улар учун МДҲ, ШҲТ, ОДКБ, SAARC ва бошқа халқаро ташкилотлар каби платформаларда доимо кун тартиби бўлиб келган.

АҚШ қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши ва Толибоннинг ҳокимиятга қайтиши Афғонистонни афғонларнинг ўз қўлига топширди. Бироқ, бу дунё ҳамжамияти жим туриши ва вазиятни ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан қузатиши керак дегани эмас. Аввало, қўшни давлатлар, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари давлатлари Афғонистон иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур ёрдам қўрсатиши керак. Шу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021-йилда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган ШҲТ саммитида сўзлаган нутқида “Афғонистоннинг хорижий банклардаги давлат активларини эритиш имкониятини кўриб чиқишилиши бўйича” фикрлар билдириди. Унинг сўзларига кўра, “Бугун бу мамлакатда янги воқелик юзага келди, ҳокимият тепасига янги кучлар келди. Бу амалга ошган факт. Шу муносабат билан Афғонистондаги вазият бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиши, шунингдек, мамлакатнинг янги ҳокимияти билан мулоқотни

⁷ Wilkie Ch., Macias A. Biden says Afghanistan war was a lost cause, vows to continue aid and diplomacy. 16 August 2021. (<https://www.cnbc.com/2021/08/16/biden-will-give-a-speech-on-the-afghanistan-collapse-monday-afternoon-white-house-says.html>)

ривожлантириш зарур”. Шу муносабат билан Ш.Мирзиёев “ШХТ-Афғонистон форматида олий даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказишни” таклиф қилди⁸.

Афғонистоннинг икки минтақани боғлашдаги аҳамияти хусусида Ўзбекистон Республикаси собиқ Ташқи ишлар вазири, Президентнинг ташқи сиёсат масалалари бўйича маҳсус вакили Абдулазиз Комилов ўз фикрларини билдириди. Унинг сўзларига кўра, “Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқликнинг марказий бўғинидир. Афғонистоннинг минтақавий интеграция жараёнларида иштирок этиши мамлакат иқтисодиётини тиклашнинг ишончли йўлидир”.

Мамлакатнинг бу борадаги асосий ёндашувлари БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил сентябр ойида бўлиб ўтган 76 сессиясида, шунингдек, кейинги қатор ҳалқаро форум ва конференцияларда белгилаб берилди. Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиш истиқболига кўра, минтақавий қун тартиби узок вақтдан бери Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлиб қолаётган қўшни Афғонистонни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий тикланишни рағбатлантириш бўйича дастурий чора-тадбирлар билан боғланган. Марказий Осиё ва Афғонистон давлатлари нафақат умумий тарих, дин, маданият ва анъаналарга эга, балки хавфсизлик ва савдо соҳаларида ҳам ўзаро манфаатдордирлар. Шу билан бирга, барқарор Афғонистон Ҳинд океани ва Форс кўрфазидаги портларга энг қисқа йўлни тақдим этиш орқали Марказий Осиё давлатларини Европа ва Хитой бозорлари билан боғлаши мумкин⁹.

Дарҳақиқат, Марказий-Жанубий Осиё форматини амалга оширишда Афғонистон асосий рол ўйнайди. Бу юртдаги тинчлик ва барқарорлик барча томонлар учун ўзаро манфаатли. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Афғон ҳалқи яхши қўшничилик ёрдамилизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни тақрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз

⁸ Мирзиёев Ш. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на заседании Совета глав государств-членов Шанхайской организации сотрудничества Народное слово. 18 сентября 2021г. (<https://xs.uz/ru/post/vystuplenie-prezidenta-respublikи-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-zasedanii-soveta-glav-gosudarstv-chlenov-shankhajskoj-organizatsii-sotrudnichestva>)

⁹ Арипов Э. Узбекско-афганские отношения: новый этап динамического развития. Международные отношения. 2018, N 1. (<https://www.uwed.uz/ru/e-journal/13>)

қолдирмаслигимиз лозим. Санкциялар сиёсатининг кучайтирилиши ва Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати янада яккаланиши муқаррар равишда мамлакат ичида радикаллашувнинг кучайишига олиб келади ва уни террорчилик ташкилотлари учун плацдармга айлантиради. Шу боис биз Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан илгари қабул қилинган, шу жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариши бўйича Кобул билан конструктив алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Бундан ташқари, Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича маҳсус фондни бизнинг мазкур мамлакатга чегарадош бўлган Термиз шаҳрида – у ердаги мавжуд транспорт-логистика хабининг замонавий инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, биргаликда таъсис этишни таклиф қиласиз. Фонд маблағлари ушбу мамлакатдаги ижтимоий инқизорни бартараф этиш, ёшлар учун таълим дастурлари ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади¹⁰. Афғонистонсиз Марказий-Жанубий Осиё формати қийин ёки деярли имконсиз. Афғонистонни минтақалар ўртасида “кўприк” сифатида жалб этиш мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ахволини яхшилашга хизмат қиласи. Хорижий сармоя, инфратузилма ва логистика обьектлари иқтисодий барқарорликни яхшилайди, бу эса ўз навбатида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатади. Иқтисодий жиҳатдан кучли ва сиёсий барқарор Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги интеграция жараёнлари ривожланишининг кафолати ҳисобланади.

Марказий – Жанубий Осиё формати.

Минтақавий муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг доимо муҳим йўналиши бўлиб келган. 2021 йилнинг 15 16 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: Минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги анҷумандада Ўзбекистон раҳбари минтақавий ҳамкорлик бўйича бир қанча ташабbusларни илгари сурди. Улар, биринчи навбатда, Марказий ва Жанубий Осиёни иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда интеграциясини янада чукурлаштиришга

¹⁰ Мирзиёев Ш. Самарканский саммит ШОС: диалог и сотрудничество во взаимосвязанном мире. 12.09.2022г. (<https://president.uz/ru/lists/view/5495>)

қаратилди.

Марказий Осиё давлатлари жаҳон океанига интилаётган бўлса, Жанубий Осиё давлатлари ўз иқтисодий бозорини кенгайтиришга интилмоқда. Етмиш беш миллиондан ортиқ аҳолига эга Марказий Осиё минтақаси улар учун ишончли бозорга айланиши мумкин. Президент Ш.Мирзиёевга кўра, “Ўзбекистон конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо тайёр бўлган ишончли ва барқарор, қатъий позицияга эга шерикдир”¹¹.

Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар Трансаффон темир йўли Хинд океани портларига чиқиши имкониятига эга бўлиб, Марказий-Жанубий Осиё форматининг ўзаги ҳисобланади. Дарҳақиқат, кенг кўламли лойиҳанинг амалга оширилиши худудлар ўртасидаги узилган алоқани тиклади. Буюк Ипак йўли қайта тикланади ва макон ўзининг тарихий ролини қайтаради, яъни яна Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жануб ўртасида боғловчи ролни ўйнайди. Мазкур йўналишда қурилиш ишлари 2010 йилдан буён давом этмоқда. “Ҳайратон – Мозори Шариф” лойиҳасининг биринчи линияси 2011 йилда 75 километр масофада қурилган. Термиз (Ўзбекистон) ва Караби (Покистон) ўртасидаги масофа тахминан 2500 км¹², Термиз-Гвадар йўналиши эса 2000 км. Географик жиҳатдан бу унчалик катта масофа эмас ва бундай имкониятлардан фойдаланмаслик ташқи сиёсатдаги катта муваффакиятсизликдир. Лойиҳанинг амалга оширилиши юкларни Покистондан Ўзбекистонга ўттиз беш кундан 3-5 кунгача ташишга ёрдам беради, бу катта логистик муваффакиятидир. Бундан ташқари, САСА-1000 лойиҳасининг линияси ҳам худди шу йўлдан ўтади, бу Марказий Осиё мамлакатларини Хинdistон ва Покистоннинг энергия бозорларига олиб чиқади¹³. Ушбу лойиҳадан нафақат Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари, балки Хитой Xалқ Республикаси, Россия Федерацияси, Европа Иттифоқи, Америка Кўшма Штатлари каби дунёning етакчи давлатлари ва бошқа

¹¹ Мирзиёев Ш. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международной конференции «Центральная и Южная Азия: региональная взаимосвязанность. Вызовы и возможности». 16.07.2021 (<https://president.uz/ru/lists/view/4484>)

¹² Зохидов А. Трансафганский транспортный коридор: интересы государств и перспективы его развития. Центральная Азия и Кавказ, №2. 2012г. – 88-89стр.(<https://cyberleninka.ru/article/n/transafganskijy-transportnyy-koridor-interes-y-gosudarstv-i-perspektiv-y-ego-razvitiya/viewer>)

¹³ Sayed Masood Sadat. TAPI and CASA-1000: Win-Win trade between Central Asia and South Asia. Norwegian Institute of International Affairs. 2015. - 3p. (https://www.osce-academy.net/upload/file/Policy_Brief_25.pdf)

давлатлар ҳам манфаат кўради. Мухтасар қилиб айтганда, бу лойиҳани бутун дунё қўллаб-кувватламоқда. Агар Хитой ушбу лойиҳани “Макон ва йўл” ташаббуси доирасида кўрса, Россия ҳам ўз товарларини Гвадар ва Караби портларида таклиф қилиши мумкин. АҚШ, Европа ва дунёning бошқа давлатлари ҳам юқорида тилга олинган ушбу темир йўл орқали ўз товарларини Осиё қитъасининг қоқ марказида илгари суришлари мумкин. Жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий жиҳатдан Хинд океани портларига қаратилиши Ҳиндистоннинг халқаро муносабатлар тизимидағи мавқеини мустаҳкамлайди. Жаҳоннинг илғор давлати сифатида у бундан энг кўп фойда олади. Бошқача айтганда, Трансафғон йўлаги ҳамда Марказий ва Жанубий Осиёning ўзаро боғлиқлиги Ҳиндистоннинг иқтисодий қудратини ошириш йўлидаги қадамдир. Бундан Марказий Осиё давлатларининг ўзлари ҳам катта фойда кўради. Агар Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон ва Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Пешовар темир йўллари туташса, ёй шаклида олинган йўлдан Марказий Осиё давлатлари бутун дунёning янги иқтисодий марказига айланади. Инвестициялар оқими, янги инфратузилма ва замонавий технологиялар минтақани ўзгартириб, собиқ Буюк Ипак йўлини жонлантиради.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг географик жойлашуви муаммо эмас, балки ютуқдир. Хитой ва Жанубий Осиёни Европа билан боғлаш минтақанинг тарихий миссиясидир. Айнан шунинг учун ҳам Сўғдлар давлати, Кушонлар салтанати, Турк хоқонлиги, Хоразмшоҳлар давлати, Темурийлар ва Бобурийлар салтанатлари гуллаб-яшнаган. Минтақанинг ўзига хос тарихий географик мақсади бор ва бу йўлда у бугунги кунда яна тақдирли йўналишга қайтмоқда.

Бундан ташқари, ташабbus Марказий ва Жанубий Осиёning транспорт, логистика, энергетика, савдо, ишлаб чиқариш, сармоя, инвестиция ва бошқа соҳаларда минтақалараро ҳамкорлигининг оптимал моделларини излаш ва муҳокама қилиш учун кўп форматли эксперт-таҳлил платформасини ташкил этишга кўмаклашди¹⁴. Анжуман якунида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, яхши

¹⁴ Мирзиёев Ш. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международной конференции «Центральная и Южная Азия: региональная взаимосвязанность. Вызовы и возможности». 16.07.2021 (<https://president.uz/ru/lists/view/4484>)

қўшничилик алоқаларини янада кенгайтириш бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди. Бошқача айтганда, ушбу форматдаги форумлар конструктив мулоқот ва Марказий Осиё давлатлари билан боғлиқ умумий муаммоларни изчил ҳал этиш учун самарали платформа сифатида 2017 йилда бошланган Маслаҳат учрашувлари учун замин яратди.

Хуноса.

Умуман олганда, Марказий Осиё давлатларининг халқаро майдондаги мувофиқлаштирилган фаолияти нафақат минтақанинг халқаро субъективигини сезиларли даражада мустаҳкамлайди, балки минтақа манфаатларини самарали қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш имконини беради. 2021 йил август ойи бошида Туркманистонда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Учинчи Маслаҳат учрашуvida томонлар 2022-2024 йиллар оралиғида минтақавий ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлашга келишиб олдилар. Ушбу хужжат йиғилишларда илгари сурилган барча ташаббусларни ўз зиммасига олади ва уларни амалга ошириш механизмлари ва муддатларини белгилайди.

Бундай жараёнларнинг мунтазамлигини қўплаб нуфузли эксперт ва олимларнинг минтақамиизда кузатилаётган ижобий тенденсиялар ҳақидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринbosари, “Тошкент” халқаро мунозара клуби раиси Содик Сафоев таъкидлаганидек: “Бу улкан умумий муваффақият, бу барча мамлакатларнинг ҳиссаси. Ва биз келажакка некбинлик билан қарашимиз мумкин. Бу сўнгги йилларда барча давлатларимиз ташқи сиёсатининг асосий ва улкан ижобий натижасидир. Мазкур қадамлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан ташланди. Шу билан бирга, муаммоларнинг фақат биринчи сирт қатлами ечилишига эришилганига ҳамма рози. Кўплаб саволлар ҳали ҳам ечимини кутмоқда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бўшашмаслик керак. Бизнинг умумий вазифамиз эса минтақа давлатлари ўртасида пайдо бўлаётган ишончни мустаҳкамлаш тенденцияларига нисбатан ортга қайтмаслик иродасини кўрсатишдир”¹⁵. Содик Сафоев

¹⁵ Центральная Азия: от регионального взаимодействия к совместному устойчивому росту / Сессия

таъкидлаганидек, “...бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик алоқалари учун ҳуқуқий, келажакда эса институционал, шу жумладан тадқиқот тузилмалари орқали база яратиш зарур. Марказий Осиёда мақбул муҳитни ортга қайтариб бўлмайдиган қилишнинг асосий омили ишончни мустаҳкамлаш чораларини кучайтиришдир. Бу декларация ёки умумий мурожаатларга тааллуқли эмас. Бунда нафақат давлат ва нодавлат тузилмаларини, балки бизнес тузилмаларини ҳам ўз ичига олган ишончни мустаҳкамлаш чораларига теранлик киритиш учун принципларни, концептуал асосларни шакллантириш муҳимдир”¹⁶.

Шу йил 15-16 сентябр кунлари Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммити Ўзбекистон ўзининг сиёсий-дипломатик мақомини кўтариб, минтақавий давлатга айланганини кўрсатди. Ўтган олти йил давомида амалга оширилган ислоҳотлар ўз самарасини бериб, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибор қозонди.

Табиийки, Ўзбекистон минтақавий ҳаракатлантирувчи куч сифатида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида қўшни давлатлар билан муносабатларни ривожлантиради. Бундан ташқари, у яқин минтақалар давлатлари, халқаро ташкилотлар, шунингдек, дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қиласи. Жанубий Осиё йўналиши Президент Ш.Мирзиёев ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги тарихий алоқани тиклаш, Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Пешевар темир йўлини барпо этиш, Афғонистон барқарорлигини таъминлаш ва Хинд океани соҳилларига чиқиш – Президент томонидан кун тартибига киритилган ташқи сиёсий вазифалардир.

Бир сўз билан айтганда, минтақада янги сиёсий муҳитнинг яратилиши минтақавий ҳамкорлик жараёни стратегик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Марказий Осиёда минтақавийликнинг ҳозирги тенденцияси соғлом ва дўстона муҳитни, шунингдек, ўзаро манбаатли ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратадиган бутун дунёда ҳар томонлама

Ташкентского международного дискуссионного клуба. 04.08.2021г. (https://yumh.uz/ru/news_detail/315)

¹⁶ Центральная Азия: от регионального взаимодействия к совместному устойчивому росту / Сессия Ташкентского международного дискуссионного клуба. 04.08.2021г. (https://yumh.uz/ru/news_detail/315)

қўллаб-қувватланмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Poonam Mann. Strengthening of India- Uzbekistan relations. CAPS in Focus, №35/18. 2018. – 2-3р.
2. Tuychiyeva R. Transit problems in connectivity between India and Uzbekistan: unrealized opportunities and prospects. American journal of social and humanitarian research. Vol. 1, No.2, Apr-May 2020. 73-75р.
3. Kashif Hasan Khan and Halil Koch. Emerging Central Asia: Managing great power relations. Blue Dome Press. 2021. - 171-189р.
4. Мавланов И. Трансформация экономической дипломатии Узбекистана для реализации внешнеэкономических приоритетов Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. Международные отношения. 2018, N 1. (<https://www.uwed.uz/ru/e-journal/13>)
5. Нематов И. Ускорение завершения правового оформления Государственной границы со странами Центральной Азии как важный приоритет внешней политики Узбекистана. Международные отношения. 2018, N 1. (<https://www.uwed.uz/ru/e-journal/13>)
6. Мирзиёев Ш. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международной конференции «Центральная и Южная Азия: региональная взаимосвязанность. Вызовы и возможности». 16.07.2021 (<https://president.uz/ru/lists/view/4484>)
7. Wilkie Ch., Macias A. Biden says Afghanistan war was a lost cause, vows to continue aid and diplomacy. 16 August 2021. (<https://www.cnbc.com/2021/08/16/biden-will-give-a-speech-on-the-afghanistan-collapse-monday-afternoon-white-house-says.html>)
8. Мирзиёев Ш. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на заседании Совета глав государств-членов Шанхайской организации сотрудничества Народное слово. 18 сентября 2021г. (<https://xs.uz/ru/post/vystuplenie-prezidenta-respublikи-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-zasedanii-soveta-glav-gosudarstv-chlenov-shankhajskoj-organizatsii-sotrudnichestva>)
9. Арипов Э. Узбекско-афганские отношения: новый этап динамического развития. Международные отношения. 2018, N 1. (<https://www.uwed.uz/ru/e-journal/13>)
10. Мирзиёев Ш. Самаркандинский саммит ШОС: диалог и сотрудничество во взаимосвязанном мире. 12.09.2022г. (<https://president.uz/ru/lists/view/5495>)
11. Зохидов А. Трансафганский транспортный коридор: интересы государств и перспективы его развития. Центральная Азия и Кавказ, №2. 2012г. – 88-89стр.(<https://cyberleninka.ru/article/n/transafganskij-transportnyj-koridor-interes-y-gosudarstv-i-perspektivy-ego-razvitiya/viewer>)
12. Sayed Masood Sadat. TAPI and CASA-1000: Win-Win trade between Central Asia and South Asia. Norwegian Institute of International Affairs. 2015. - 3р. (https://www.osce-academy.net/upload/file/Policy_Brief_25.pdf)
13. Центральная Азия: от регионального взаимодействия к совместному устойчивому росту / Сессия Ташкентского международного дискуссионного клуба. 04.08.2021г. (https://yumh.uz/ru/news_detail/315)